



## “Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз!”



### ЎЗБЕКИСТОН — САУДИЯ АРАБИСТОНИ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Саудия Арабистони подшоҳлиги Арабистон ярим оролида жойлашган йирик давлат бўлиб, аҳолиси 34,7 миллион кишини (2021 й.) ташкил қилади. Иқтисодий қудратига кўра у дунёда 17-ўринда бўлиб, ЯИМнинг умумий ҳажми салкам 1,7 триллион АҚШ долларини, киши бошига тақсимлаганда эса 49,2 минг долларни ташкил этади.

Давлат тузилишига кўра Саудия Арабистонида мутлақ монархия тузуми ўрнатилган бўлиб, мамлакатни подшоҳ Салмон ибн Абдул-азиз ал-Сауд бошқармоқда.

Ўзбекистон ва Саудия Арабистони бир-биридан анча узок масофада жойлашган бўлса-да, икки мамлакатни умумий тарих, муштарак дин, маънавий қадриятлар ва маданият боғлаб туради.

Саудия Арабистони подшоҳлиги Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигини 1991 йил 30 декабрда эътироф этди. 1992 йил февралда икки мамлакат ўртасида элчи-хоналар даражасида дипломатик муносабатларни ўрнатиш тўғрисида протокол имзоланди.

Ўзбекистон — Саудия Арабистони сиёсий муносабатларини янада ривожлантиришда мамлакатларимиз Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ўзаро сиёсий маслаҳатлашувлар йиғилишларини ўтказиш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, 2021 йил 29 июнь куни бўлиб ўтган сиёсий маслаҳатлашувларнинг 4-раунди доирасида томонлар сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий ва маданий-гуманитар соҳалардаги муносабатларнинг ҳозирги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболларини, шунингдек, халқаро ва минтақавий ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилдилар.

Бугунги кунда икки мамлакат ўртасида турли соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик тобора ривожланиб, янги босқичга кўтарилмоқда. Савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ва тузилмасини ошириш, бир сўз билан айтганда, томонлар учун устувор йўналишлар бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Саудия Арабистонининг 2017-2021-йилларда Ўзбекистон иқтисодиёти турли тармоқларига киритган сармоялари кўпайди ва икки томонлама муносабатларнинг бутун тарихидаги кўрсаткичлардан ошиб кетди. Ҳукуматлараро комиссия ва Ишбилармонлар кенгашининг йиғилишлари мунтазам ўтказилмоқда. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ортмоқда, қўшма корхоналар ташкил этилмоқда.

Охириги беш йил ичида икки мамлакат ўртасидаги товар айланмаси ҳам сезиларли даражада ошди. Саудия Арабистонлик ишбилармонларнинг Ўзбекистон бозорига сармоя киритишга қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда Саудия Арабистони билан ҳамкорликда тузилган 38 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Улардан 20 таси тўғридан-тўғри саудиялик инвесторлар томонидан молиялаштирилса, 18 таси қўшма корхоналардир.



## ИСТИҚЛОЛНИНГ ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси ҳамда партия Марказий аппарати томонидан мамлакатимиз мустақиллигининг 31 йиллигига бағишланган “Истиқлолнинг иқтидорли ёшлари: шахсий фаоллик ва самарали натижа” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, партия фаоллари, ёшлар ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.

Ёшлар — эртаимиз эгалари, келажақ бунёдкорларидир. Шу боис, мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида ёшлар билан доимий мулоқот қилиш, уларнинг интеллектуал, маънавий ва жисмоний салоҳиятини рўйбага чиқаришга, умуман, ёшлар масаласига давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Бу борада, аввало, ёш авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга зарур шарт-шароит ҳамда имкониятлар яратиб беришга қаратилган мустақам ҳуқуқий база яратилди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президентининг сифатида фаолиятини бошлаган, биринчи имзолаган қонун ҳам айнан “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун бўлгани замирида

ҳам катта маъно-мазмун мужасам. Мазкур қонун юртимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини янада мустақамлаш, ёшларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлашда қонуний асос бўлиб хизмат қилмоқда. Шунингдек, ўтган даврда ёшларни қўллаб-қувватлашга оид ўнлаб фармон ва қарорлар қабул қилинган давлатимиз раҳбарининг ёшлар масаласига нақадар устувор аҳамият қаратаётганининг ёрқин ифодасидир. Мана шундай улкан эътибор натижасида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатимиз истиқболли учун маъсулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, шижоатли ёшларни тарбиялаш мақсадида барча зарур шароитларни яратишга қаратилган яхлит тизим яратилди.

### ТўЛОВ КОНТРАКТЛРСИЗ МАГИСТРАТУРА - хотин-қизларимиз учун янги марралар сари очилган йўл

“Қизлар билим олишга ҳаммадан кўпроқ интилишлар лозим, зеро, бу билимлар билан улар келажақ авлодини тарбиялайдилар”, деб ёзганди мутафаккир бобокалонимиз Абдулла Авлоний. Дарҳақиқат, юксалиш, ривожланиш йўлидан бораётган ҳар қайси давлат тараққиёти келажақ авлод тарбиячилари сифатида шу жамият аёлларининг илму маърифатига, таълим-тарбиясига чамбарчас боғлиқдир. Бу борада бизнинг ибрат олишга арзигулик тарихий мактабимиз мавжуд. Зотан, биргина Темурий маликаларнинг илми, ўтқир зеҳни, маънавий гўзал хулқлари бутун дунёга маълуму машҳурлиги ҳеч биримизга сир эмас.

### Муносабат ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ қонунийлик асосида халққа хизмат қилади

Президентимиз томонидан ўтказилган йиғилишда давлат хизматини ташкил этиш, давлат хизматида фаолият олиб бораётган ходимлар фаолияти самарадорлигини ошириш, бошқарувда ихчам ва самарали тизим яратиш, давлат органларидаги фаолиятини рағбатлантириш борасида бир қатор муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Зухра ИБРАГИМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси спикери ўринбосари, «Адолат» СДП фракцияси раҳбари

Ҳақиқатан бугунги кунда мамлакатимизда хизмат соҳасини тартибга солувчи, тайёрловчи тизим йўқ эди. Давлат хизмати вазифасини бажаришда юзага келаётган муаммоларнинг мавжуд эканлиги ҳеч кимга сир эмасди. Бу каби ҳолатлар шиддат билан олиб борилаётган илпоҳотларга нисбатан кечириб бўлмас ҳолат, десак тўғри бўлади.



### АСРЛАРГА ТАТИГУЛИК БУНЁДКОРЛИК

### Машҳурларнинг аёллари “ЧИММЛДИҚ”НИ дунё саҳнасига олиб чиққан тадбиркор

“Машҳурларнинг аёллари” рукни остида мақолалар эълон қила бошлаганимиздан буён орадан тўрт-беш ой ўтди. Бу орада янги руҳини ҳақида турли фикрлар эшитдик. Кимдир бошлаган ишнинг “савобли”, дея маъқуллади, яна кимдир “бировнинг рўзгорига нега аралашасизлар”, дея иддао қилдилар. Майли, биз танқидларни оғринмай, мактовларни суюнмай эшитишга одатланганмиз. Айрим юртдошларимиз эса кутилмаган бир тақлиф билан чиқиди. “Нима, фақат санъаткор, шоир, бир сўз билан айтганда, ижодкорлар машҳур бўладими? Эл орасида оддий касб эгалари, дейлик, новвой, пазанда, тадбиркор каби ўнлаб касб эгалари ҳам бор. Нега улар ҳақида ёзмайсизлар?” Уйлаб қарасак, иддао тўғри. Нега энди эл эъозлаган, маҳалладошлари хурматини қозонган оддий инсонлар ҳақида ёзмаслигимиз керак экан? Гапимизнинг индаллосидан тушунган бўлсангиз керак. Биз бутун ўз вақтида тумани, вилояти, қолаверса, мамлакат миқёсида танилган олтиариқлик тадбиркор Абдуҳалил Маматовнинг аёли, Раҳимахон ҳожи она МАМАТОВА билан суҳбатлашамиз.



# ЎЗБЕКИСТОН — САУДИЯ АРАБИСТОНИ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



1 Транспорт соҳасидаги икки томонлама алоқалар ҳам изчил ривожланмоқда. Темир йўл, автомобиль ва ҳаво транспорти бўйича қатор лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, фуқаро авиацияси соҳасидаги ҳамкорлик 2009 йилда имзоланган ҳаво қатнови бўйича икки томонлама ҳукуматлараро битим ва авиация маъмуриятлари ўртасидаги келишувлар билан тартибга солинади.

Мамлакатларимиз маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлигини ҳам жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бугунги кунда маданият, соғлиқни сақлаш, илм-фан, таълим, туризм, спорт соҳаларида алоқалар мустаҳкамланиб бораётгани яққол намойён бўлмоқда.

Икки томонлама муносабатларда Ўзбекистон фуқароларининг Саудия Арабистонидagi муқаддас қадамжоларни зиёрат қилишларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилда Ўзбекистонлик зиёратчилар учун квоталар оширилди, йил давомида 32 мингдан ортиқ юртдошларимиз умра, 12 мингдан ортиқ киши Ҳаж зиёратига бориш имконига эга бўлди.

Давлатларимиз халқаро доирада бир-бирини доимо қўллаб-қувватлаб келмоқда. Хусусан, Саудия Арабистони Ўзбекистон ташаббуслари асосида БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд тўғрисидаги резолюция, шунингдек, Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлаш бўйича резолюция қабул қилинишни қўллаб-қувватлади.

2019 йилда Саудия Арабистони БМТнинг "Маърифат ва диний бағрикенглик" резолюциясига ҳаммуаллиф бўлди, 2020 йилда Ўзбекистоннинг БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашига сайланиши учун овоз берди. Шунингдек, мамлакатимизнинг бошқа муҳим ташаббусларини илгари суришга ҳам хисса қўшиб келмоқда.

Ўз навбатида, Ўзбекистон ҳам БМТнинг турли тузилмаларида, хусусан, Аёлларга нисбатан камситишларга барҳам бериш бўйича кўмак, Ижтимоий-иқтисодий кенгаш, Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш, Бола ҳуқуқлари бўйича кўмакга сайланиш учун Саудия Арабистони номзодини қўллаб-қувватлади. Шунингдек, Ўзбекистон Саудия Арабистони пойтахти Ар-Риёднинг "Экспо - 2030" Бутунжаҳон кўргазмасини ўтказиш учун номзодини қўллаб-қувватламоқда. Бундай самарали ҳамкорлик бошқа кўплаб халқаро тузилмалар доирасида ҳам кўзга ташланмоқда.

Саудия Арабистони делегацияси жорий йилнинг 25-26 июль кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган "Афғонистон: хавфсизлик ва иқтисодий тараққиёт" мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этди ва шу орқали минтақалараро ўзаро боғлиқлигини қўллаб-қувватлашдан манфаатдорлиги ва содқлигини яна бир бор намойён этди.

Икки мамлакат парламентлари ўртасидаги муносабатлар ҳам сезиларли даражада фаоллашганини мамнуният билан қайд этишимиз керак. Олий Мажлисда ташкил қилинган Саудия Арабистони Маслаҳат Кенгаши (Мажлис Шура) билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳ амалий саъй-ҳаракатлари натижасида муносабатлар фаоллашиб, ҳуқуқий асослари мустаҳкамланмоқда.

Аммо шунини таъкидлаш жоизки, икки мамлакат муносабатларида ҳали ишга солинмаган бир қатор имкониятлар мавжуд. Ҳозирда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ҳали икки томонни қаноатлантирадиган даражада эмас. Мамлакатларимиз ўзаро муносабатларни сифат жиҳатида янги даражага кўтариш учун улкан салоҳиятга эга. Шу боис мамлакатларимиз бу борадаги устувор вазифаларни белгилаб олди. Коронавирус пандемияси билан янги даражада кўтариш учун улкан салоҳиятга эга. Шу боис мамлакатларимиз бу борадаги устувор вазифаларни белгилаб олди. Коронавирус пандемияси билан янги даражада кўтариш учун улкан салоҳиятга эга. Шу боис мамлакатларимиз бу борадаги устувор вазифаларни белгилаб олди.

Кўни кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Саудия Арабистонига олий даражадаги ташрифи бўлиб ўтди. Ташриф дастурига мувофиқ, Жидда шаҳрида олий даражадаги Ўзбекистон - Саудия Арабистони саммитининг асосий тадбирлари бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Саудия Арабистони Подшоҳи Валиахд Мухаммад бин Салмон Ол Сауд ўртасида бўлиб ўтган музокараларда турли даражалардаги алоқалар фаоллашгани мамнуният билан таъкидланди.

Музокаралар кун тартибидан мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлиқни, энг аввало, савдо-иқтисодиёт, инвестиция, энергетика, молия соҳаларида ва маданий-гуманитар йўналишда янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари ўрин олди. Алоҳида эътибор "яшил" иқтисодиёт, юқори технологиялар ва рақамлаштириш, тиббиёт, кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳаларида кўшма лойиҳа ва дастурларни амалга оширишга қаратилди.

Ўзбекистон Президенти Саудия Арабистонига ilk давлат ташрифи бунинг учун кенг имкониятлар очишига ишонч билдирди.

Олий даражадаги музокаралар қарашлар ва интилишларнинг муштараклигини намойён этди. Саудияда "Нитоҳ - 2030" Давлат дастури муваффақиятли амалга оширилаётгани юксак баҳоланди. Мамлакатимизда жамият ҳаётининг барча соҳаларини трансформация қилишга қаратилган Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясининг мақсад ва вазифалари ушбу дастурга тўлиқ ҳамоҳангдир.

Ишбилармонларнинг алоқалари учун янада қулай шароитлар яратиш, ўзаро савдо ҳажмини ошириш, товар айирбошлаш таркибини диверсификация қилиш зарурлиги қайд этилди. Мамлакатимизда Саудия Арабистони фуқаролари учун визасиз тартиб жорий этилиши бу борада муҳим қадамлардан бири бўлади.

Бугунги тарихий учрашувимиз ҳамкорлигимизни амалий натижалар билан бойитиш, бизнес алоқалари учун "кучли сигнал" бўлишига аминман. Давлатларимиз тадбиркорлари мулоқотимиз натижаларини интиқли билан қизиқиш билан кутаяти, - деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз Саудия Арабистонининг етакчи компанияларини Ўзбекистондаги тижорат банклари, йирик саноат ва инфратузилма объектларини хусусийлаштириш жараёнида фаол иштирок этишга чақирди.

Энергетика ва нефть-кимё соҳаларидаги шериклики кенгайтиришдан икки томон ҳам манфаатдор экани таъкидланди. Бугунги кунда "ACWA Power" компанияси билан жами 2 миллиард 600 миллион долларлик йирик энергетика лойиҳаларини амалга ошириш бошланган. Кимё тармоғида "SABIC" компанияси билан шерикликда истиқболли лойиҳалар устида ишланмоқда.

Саудия тараққиёт жамғармаси иштирокида мамлакатимиз ҳудудларида транспорт, сув таъминоти, электр тармоқларини ривожлантириш бўйича инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон - Саудия Арабистони Ишбилармонлар кенгашининг навбатдаги йилгили муваффақиятли ўтказилгани мамнуният билан қайд этилди. Унинг яқинида энергетика, кимё, электротехника, инфратузилмани ривожлантириш, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, ахборот технологиялари ва транспорт соҳаларида умумий қиймати 14 миллиард доллардан ортиқ бўлган келишув ва шартномалар имзоланди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Валиахд шаҳзода Мухаммад бин Салмон Ол Сауд ўртасида бўлиб ўтган олий даражадаги учрашувда, шунингдек, маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, бугунги кунда юртимизда ўн мингдан зиёд талаба Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг расмий тилларидан бири ҳисобланган араб тилини ўрганмоқда.

Музокараларда Ўзбекистон ва Саудия Арабистонининг қатор жиҳатлар юзасидан қарашлари ва ёндашувлари ўхшашлиги намойён бўлди.

Хусусан, хавфсизлик соҳасида мулоқотни йўлга қўйиш, Афғонистонда тинчликни мустаҳкамлаш ва иқтисодиётни тиклашга кўмаклашиш бўйича саъй-ҳаракатларни бирлаштириш юзасидан яқин фикр билдирилди. Ўзбекистон Президенти Саудия Арабистонининг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига Мулоқот бўйича шерик мақомини олаётганини олқишлади. Музокаралар натижалари бўйича қатор ҳужжатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси билан Саудия Арабистони Подшоҳи ўртасида кенг қамровли шериклик муносабатларини янада кенгайтириш тўғрисида Қўшма баёнот қабул қилинди.

Икки мамлакат ҳукуматлари ва вазирликлари ўртасида энергетика, боғжона, фуқаро авиацияси, туризм, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, меҳнат муносабатлари каби соҳаларда ҳамкорликка доир жами 15 та ҳужжат қабул қилинди.

Ташриф дастурида Саудиянинг етакчи компаниялари, нуфузли халқаро тузилмалар - Ислам ҳамкорлик ташкилоти ва Ислам тараққиёт банки раҳбарияти билан учрашувлар ўтказилди.

Саудия Арабистонига давлат ташрифи чоғида давлатимиз раҳбари барча мусулмонлар учун муқаддас бўлган Макка ва Мадина шаҳарларини зиёрат қилди. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Саудия Арабистонига олий даражадаги ташрифи жуда самарали яқунланди. Эришилган аҳдлашувлар икки мамлакат халқларининг манфаатларини рўйбага чиқаришга, пировардида эса улари бир-бирига янада яқинлаштиришга хизмат қилади.

**Қодир ЖўРАЕВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси ўринбосари

# ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ҚОНУНИЙЛИК АСОСИДА ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

1 Давлат хизмати фаолияти билан шуғулланаётган ташкилотларнинг иш самарадорлигида юзага келаётган бир қатор камчиликларни ягона қоидалар асосида тартибга солиш зарурати мавжуд эди. Айна шу мақсадда давлат раҳбари ташаббуси билан маҳаллий ва хорижий мутахассислар иштирокида кенг муҳокама асосида «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. Қонун 10 та боб ва 64 та моддадан иборат бўлиб, ушбу қонун асосида Ўзбекистонда ижро ҳокимияти функцияларини амалга оширувчи давлат хизмати органлари ва ташкилотларидаги 118 мингдан ортиқ давлат фуқаролик хизматчиларининг фаолияти билан боғлиқ барча муносабатларни ягона қонун билан тартибга солиш тизими яратилди.

Барча ташкилотларнинг вакант лавозимлари очик ягона электрон платформага жойлаштирилиши, давлат идораларига ишга киришда очик-ошкора танлов орқали қабул қилиниши, кадрларга билан ишлаш жараёни электрон тизимга ўтказилиши ҳозирги кунда талаб этилаётган 16 ҳужжат сўралмаслиги давлат ташкилотларида салоҳиятли кадрлар қўйиши ва бюрократияни йўқ қилишга замин яратди. Давлат идораларида «маҳалладан - республикага» таъйинли асосида кадрларни ўстириш орқали билим, кўникма, маънавиятини мустаҳкамлаш қўйи бўғиндан юқори ташкилотга кўтарилиш орқали муаммоларга ечим топиш ҳамда ҳал этишда самарали хизмат қилади.

Хусусан, қонун билан давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги муносабатлар тартибга солиниб, бунда давлат органларининг асосий вазифа ва вазифалари ҳамда давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми, асосий вазифалари, вазифалари, мажбуриятлари, уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, шунингдек, хизматни ўташ билан боғлиқ чекловлар билан бир қаторда бошқа вазифалар белгиланди. Юқорида қайд этилган вазифалар амалда давлат хизматини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга хизмат қилади.

Давлат фуқаролик хизматида қонунийлик, адолатлилик, халққа хизмат қилиш тартиби, давлат органларининг ва мансабдор шахсларнинг жамият ҳамда фуқаролар олдида масъулиги, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, очиклик, шаффоқлик, холислик, профессионаллик ва компетентлик таъминлиги асосида хизмат қилиш тартиби белгиланди. Бундан ташқари, давлат хизматида киришда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг тенг ҳуқуқлилиги қонунда ўз аксини топди.

Қонунда давлат фуқаролик хизмати соҳасида коррупцияга қарши курашиш боби киритилгани бу соҳада содир этилаётган коррупциявий омилларни йўқ қилиш, истиқболда давлат хизмати соҳасини янада ривожлантиришга замин яратди. Жумладан, давлат хизматчисининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиши, манфаатлар тўқнашувида чек қўйиш, даромадлари ва мол-мулкни декларациядан ўтказиш, совғалар олиш ва бериш тартибини белгилаш назарда тутилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, давлат фуқаролик хизматчисининг касбий компетенциясини узлуксиз ошириш тартиби қонун асосида белгилаб берилиши бу давлат органларида фаолият олиб бораётган хизматчиларнинг профессионал мутахассис бўлишига катта замин яратди. Ҳозирги кунда дунё шиддат билан ривожланиб бораётган бир даврда давлат хизмати ҳодимларининг билими, кўникмаси ва маънавиятини ошириш замон талаби ҳисобланади. Бу эса инсон, жамият ва давлат юксалишига катта хисса қўшади.

Шубҳасиз, «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши «Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширилаётган ислохотларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Мамлакатимиз равнақи йўлида хизмат қилиш барчасини учун шарафли ва масъулиятли вазифадир, бу йўлда ўз вазифамизни виждонан, ҳалол бажарсак, уйлэйманки, олдимизга қўйган мақсадлар ўз вақтида амалга ошиб, халқ манфаатлари таъминланади, давлатимиз юксалишда давом этади.

# ТўЛОВ КОНТРАКТЛРСИЗ МАГИСТРАТУРА - хотин-қизларимиз учун янги марралар сари очилган йўл

1 Гарчанд урф-одатларимиз сингари миллатимиз шуранига сингиб кетган илгари чанқоқлик руҳи қўллаб тарихий сабаблар тўғрисида бироз сўнғидек кўринган бўлса-да, давлатимиз мустақилликка эришганидан сўнг яна жонлана бошлади. Аста-секин жамият ҳаётида аёлларимиз ҳам эркаклар билан бирдек фаоллик кўрсата бошладилар. Бу эса ўз-ўзидан давлатимиз томонидан аёлларга яратилаётган кенг имкониятлар, мамлакат тараққиёти йўлида узоқни кўзлаб амалга оширилаётган ислохотлар самарасидир.

Президентимизнинг «Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони мувофиқ 2022-2023 ўқув йилидан эътиборан магистратурада ўқиётган қизларнинг шартнома пуллари тўлиқ бюджет ҳисобидан қоплаб берилади. Хотин-қизларнинг магистратурада ўқиш харажатларини қоплаш учун давлат томонидан 23 минг нафар қизга 200 миллиард сўм ажратилиши белгиланган.

Шуни алоҳида эътибор этиб ўтиш жоизки, билимга чанқоқ, илм олиб, тинимсиз ўз устида ишлаб, олган маънавий бойликлар ва тажрибасини келгуси авлодларга бериш истагида бўлган хотин-қизларимиз учун яратилган бундай рағбат ривожланган чет давлатлар тажрибасида ҳам мавжуд эмас.

Маълумки, давлат ва жамиятнинг маданиятлик даражаси уларнинг хотин-қизларга бўлган муносабати ва улар учун яратилган имкониятларига қараб белгиланади.

Таълимга инвестиция киритиш эса - бу келажакка сармоя киритиш, халқ фаровонлиги, давлатнинг рақобатдошлигини таъминловчи энг муҳим омил эканлигини теран англаган ҳолда, давлатимиз раҳбарининг жамиятимизда хотин-қизлар ролини ошириш, уларга янада кенгроқ имкониятлар яратиш мақсадида амалга ошираётган эзгу мақсадли ташаббуси ёрқин келажакимизнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилади.

**Қўрбонали СУЛАЙМОНОВ,**  
Фаргона давлат университети магистратура бўлими бошлиғи

# ИСТИҚЛОЛНИНГ ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРИ



ган талабаларнинг контракт тўлаб берилмоқда, ишсиз ёшларнинг бандлиги таъминланмоқда. «Ёшлар дафтари»га киритилган 700 мингдан ортиқ йигит-қизларнинг муаммоларини ҳал этишга 650 миллиард сўм йўналтирилди. Сўнгги икки йилда 174 минг нафар ёшнинг тадбиркорлик лойиҳалари учун 4 триллион 400 миллиард сўм имтиёзли кредитлар берилди, 560 минг нафарига деҳқончилик учун ер майдонини ажратилиб, бандлиги таъминланди.

Шунингдек, мамлакатимизда ишчиллик билан амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсати, ёш авлоднинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасидаги фаоллигини парламентда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг 6 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади.

Ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни хар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашиш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ёшлар масалалари бўйича комиссия тузилди.

Бундан ташқари, Қонунчилик палатаси ҳузурида Ёшлар парламенти ташкил қилинди. Ҳозирги кунда Комиссия ва Ёшлар парламенти аъзолари қонунчилик ва қонун ижодкорлиги жараёнига ёшларни кенг жалб этиш ва қабул қилинаётган қонунларни ёш авлод орасида кенг тарғиб қилиш орқали уларнинг парламент ҳаётига дахлдорлигини оширишда фаол иштирок этиб келмоқдалар.

Ёшларни хар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, шунингдек, бугунги муҳим сиёсий жараёнларда уларнинг фикр ва муносабатини ўрганиш гоят муҳим. Уларнинг юртимизда бўлаётган Конституциявий ислохотлар жараёнида ўз таклиф ва ташаббуслари, фикр-мулоҳазалари билан фаол иштирок этаётгани эътиборга молик. Хусусан, Конституцияимизни такомиллаштириш бўйича келиб тушган таклиф ва ташаббусларнинг 70 фоизга яқини айнан ёшлар томонидан берилган.

**Мавлуда Э.МУРОТОВА,**  
Тошкент давлат юридик университети ахборот-ресурс маркази ходими

Фракция йиғилиши

# МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР ВА КИМЁВІЙ ВОСИТАЛАР НАЗОРАТ ҚИЛИНЯПТИМИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда «Ўсимликларни химоя қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар биологик фаол бирикмалар бўлиб, улар билан ишлаш қоидаларининг бузилиши инсон саломатлиги, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, атроф-муҳитга хавф туғдиради, озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати пайсалишига олиб келади.

Маълумки, тақиқланган ким-



ёвий воситаларни сақлаш ва йўқ қилиш билан боғлиқ муаммолар, оромборларнинг техник ва санитария ҳолати қоникарсизлиги атмосфера, tupроқ ва сув манбаларининг ифлосланишига олиб келувчи потенциал хавф туғдиради.

Қонун лойиҳаси ташаббускорлари томонидан қайд этилганидек, минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар бозорида контрафакт ва қалбақлаштирилган маҳсулотлар учрамоқда, қолаверса, контрафакт кимёвий воситаларни йўқ қилиш масалалари тартибга солинмаган.

Шу билан бирга, таъкидланганидек, қишлоқ хўжалигида ми-

нерал ўғитлар ва кимёвий воситалардан фойдаланишнинг кенгайтиши тенденциясини ҳисобга олган ҳолда, ҳаёт учун хавфли кимёвий моддаларнинг қишлоқ хўжалигига таъсирини мақбул хавф даражасига қадар камайтиришни тақозо этмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда ушбу соҳада давлат нazorати тўлиқ ўрнатилмаган. Йиғилишда минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар муаммосини асосий тартибга солиш учун – Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ хўжалиги ўсимликларини зараркундалар қасалликлари ва бегона ўтлардан химоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг нормалари

фақатгина ушбу воситаларни рўйхатга олиш билан чекланганлиги қайд этилди.

Бугунги кунда юқоридаги механизм ўзининг ижобий натижасини бермапти, натижада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда минерал ўғитлар ва кимёвий воситалардан нотўғри фойдаланиш ҳолатлари ортиб бормоқда, шунингдек, уларни сақлаш, йўқ қилиш жараёнини тўлиқ кузатиш имконини берувчи ҳаётий фаоллигининг мониторинги йўлга қўйилмаганлиги таъкидланди.

Минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларнинг қишлоқ хўжалигида фойдаланилишида назорат механизмининг етарли даражада таъминланмаганлиги, қонун нормаларида улар билан ишлаш қоидаларининг аниқ белгиланмаганлиги атмосфера, tupроқ ва сув манбаларининг ифлосланишига олиб келаётганлиги, бу эса ўз навбатида маълум даражада аҳоли саломатлигига хавф туғдираётганлиги депутатлар томонидан таъкидланди.

Маъмур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши натижасида жажон ҳамжамияти томонидан ўсимлик-

ларни химоя қилиш тамойиллари асосида илгари сурилаётган замонавий тадбирларни ташкил этиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида tupроқнинг турли турли зарарли кимёвий бирикмалар билан зарарланиш даражасини пасайтириш, ўсимликларни биологик химоя қилиш усулларидан фойдаланишни кенгайтириш учун қулай шарт-шароит яратилади, ўсимликларни химоя қилишда босқичма-босқич зарарли организмларга қарши кимёвий кураш усулидан биологик кураш усулига ўтилади.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда минерал ўғитлар ва ўсимликларни химоя қилиш, кимёвий воситалардан тўғри фойдаланишнинг назорат қилиш аҳоли ўртасида қасалликлари хавфини камайтиришга ёрдам беради ҳамда Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳиятини ошириш ва ташқи бозорга чиқишга кўмаклашувчи рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлашга имконият яратади.

Бундан ташқари, биринчи ўқишда киритилган Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги қонун лойиҳаси фракция томонидан муҳокама қилинди.

Маърузада таъкидланганидек, қонун лойиҳаси монополияга қарши курашишни тартибга солиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг халқаро стандартлар талаблари асосида, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш ва давлат томонидан берилган имтиёз ва преференцияларнинг аниқ мақсад ва йўналишларини белгилаш ҳамда рақобат чеклашнишига олиб келаётган ҳолатларни аниқлаш ва ўз вақтида тегишли чораларни кўриш билан боғлиқ нормаларни қонунчиликка киритиш заруратининг мавжудлиги сабабли ишлаб чиқилган.

Шу билан биргаликда, фракция йиғилишида халқимиз ҳаётини янада фаровонлаштириш, инсон кадр-қиммати, шаънини улуғлашга, юртимиздаги ислохотларни янада тақомиллаштиришга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда муҳокама этилган қонун лойиҳалари бўйича депутатлар томонидан партия дастурий мақсад ва ғояларидан келиб чиққан ҳолда тақлиф ва муносабатлар билдирилди.

“Адолат” СДП матбуот хизмати

Муносабат



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бекобод шахрига ташриф буюрди. Ташриф доирасида Марказий Осиёдаги гигант корхоналардан бири «Ўзметкомбинат» АЖДа олиб борилган ислохотлар билан танишиш баробарида Бекобод шаҳрининг фаоллари, сектор раҳбарлари, депутатлар, нурунийлар, МФЙ раислари билан ҳам учрашди.

## Обод юртда яшаш, меҳнат қилиш бахт!

Турли соҳалардаги ислохотлар, ўзгаришлар, аҳолининг яшаш шароитлари, бугунги кундаги интилишлари, кайфияти ҳақидаги савимий суҳбатда “Адолат” СДП Бекобод шаҳар кенгаши раиси, шаҳар Кенгаши депутати сифатида иштирок этдим. Юртбошимиз билан мулоқотда бўлдим.



Мулоқот давомида охириги 5-6 йилда Президентимиз раҳбарлиги, ташаббускорлигида олиб борилган ислохотлар, одил сиёсат натижасида осмонимиз мусоффо, заминимиз тинч, кўчаларимиз обод, хонадонларимиз файзли, тунларимиз осуда ўтаётгани, шаҳримизда қурилаётган кўп қаватли уйларда фарзандларимиз оиласи билан бахтли яшаб, порлоқ келажак яратишларига замин бўлаётгани, ёшларимиз ўз меҳнати билан шаҳримиз салоҳиятига, раванқига ҳисса қўшаётгани, набираларимиз дунё стандартларига жавоб бера оладиган шароитларда ўқиб, билим олаётгани, бу тараққиётдан нафақат Бекобод аҳли, балки кўшни республикалар, хоржий давлатлар ҳам ҳавасда эканлигини шаҳарнинг бир зиёли аёли, онаси сифатида оммавий ахборот воситалари, китоб ва интернет сайтларидан ўқиб бораётганим ҳамда шундай юртда яшаш бизга гурур ва ифтихор бахш этаётгани ҳақида сўз юритдим.

Тақрор айтганим, бу овоз ва обод юртда яшаш ҳам, меҳнат қилиш ҳам бахт!

Гулзира ШАРИПОВА,

халқ депутатлари Бекобод шаҳар Кенгаши депутати

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

# ҲОКИМ СЕКТОРИДА АҲВОЛ ШУНДАЙ БЎЛСА...

Тошкент вилояти Бўстонлик туманида туризм соҳаси бўйича қандай ишлар қилаётганлиги ҳақида фоторепортаж тайёрлаш учун отландим. Вилоятдаги бошқа туманларга нисбатан Бўстонлик тумани маркази – Ғазалкент шахрида ўтган икки йил ичида анча ўзгаришлар килинганлиги кўзга ташланиб турарди. Туман ҳокимияти биноси қайта таъмирланиб, ўзига хос кўринишга эга бўлиб, ҳар бир қаватида улуг аждоғларимизнинг халқчил доно гаплари ёзиб қўйилганлигини ўқиб хурсанд бўлдим. Абдулла Қаҳҳорнинг “Халқнинг қалбига узоқдан қўл солиб бўлмайди, қўл солиш учун унинг олдига бориш керак”, деган ҳикматли гапларини ўқиб турганим, ҳокимнинг капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари Акмал Рихсатиллаевнинг қабулхонасининг фуқароларнинг норозилик оҳангидagi овозлари эшитилди. Қабулхонага кирдим. Муаммо “М.Боймирзаев” номли МФЙ фуқароларининг ичимлик суви ҳақида экан.

– Бу масалада ҳокимнинг олдига кирмадингларми? – деб сўрадим, ўзимни таништиригимдан сўнг.

– Ҳоким йўқ экан, – дейишди улар.

Ҳоким ўринбосари Акмал Рихсатиллаев фуқароларга “Сувсозлик бўлимидагилар сизларга сув улаб бериб бўлди, деяптику”, деди. Шунда фуқаро Маъмура Маъсупова “Агар уланган бўлса, биз бу ерга келмаган бўлар эдикку”, деб ҳақлигини исботлади.

Тортишув ярим соатча давом этди. Кейин аризачилар билан уларнинг қишлоғига йўл олдик. Акмал Рихсатиллаев “кейинроқ ўтаман”, деди.

Машинада ўн дақиқа юрганимиздан сўнг ўнқир-чўнқир кўчаларга дуч келдик. “Бу бизнинг кўчалар”, дейишди улар. Бу кўчаларда юрган ҳайдовчиларга офарин, раҳмат сизларга, дегим келди. Чуқурларни қайсидир ташкилот вакиллари қурилишлардан чиққан майда ғиш, ахлатлар билан тўлдирганига нима дейсиз. Салимбой Эргашев хонадонига келиб тушдик.

Бир пиёла чойдан сўнг бу ерга йиғилган мунис онахонлар ва ёш келинлар арз-додларни, шикоятларини тўкиб-соладилар. Биринчи бўлиб “Боймирзаев” кўчаси, 63-уйда яшовчи онахон Гулпаршин Алимбаева гап бошлади:

– Бу маҳаллага 2003 йилда кўчиб келганмиз, 19 йилдан бери ариқ сувини тиндириб ичмадик, кир-чиримизни ювамиз, томорқамизни суғрамиз. Мен, тенадошларим шундай ҳолатга кўникиб яшадик. Лекин ёшлар кўника олмаётди. Тўй тепадан келин туширдим. Тўрт ой ичида келин бу ердаги шароитга чида олмади кетиб қолди. Кейингисини Андижондан олдик. У ҳам тишини-тишига кўйиб яшаб келмоқда. 3-6 яшарлик невараларим бор, касалдан боши қимайди. Ҳолсиз, асаби жойида эмас. Ўзим ўт пуфагимни олдириганим. Ҳаммасига раҳбарларнинг маҳалламиздаги муаммоларга бефарқлиги сабаб... – 2005 йилда Чимёндан кўчиб келганман, – дейди 91-уйда яшовчи Маъмура Маъсупова. – 17 йилдан бери ариқ су-

вини ичиб, турмуш ўртоғим Дилшод Маъсупов ва ўзимнинг ўт пуфагимда тош йиғилди. Топганимиз дори учун, соғлигимизни тиклаш учун кетаяпти. Маҳалладошларимнинг аксариди ўт қопи, бўйрағида тош бўлиб, фарзандларимизда гижжа бор. Ичимлик суви йўқлигидан маҳалламизга ҳеч ким қиз бермай қўйди...

– Ғазалкентдан, қўшни қишлоқдан тушган келинлар уйига бориб, кир-чирини ювиб келишяпти, деб эшитдим шу ростми?

– Юз фоиз рост! – дейишди маҳалла аҳли.

Сўхбатимизга Салимбой Эргашев қўшилди.

– Бу йил 29 майда “Миллий” телеканалдан мухбирлар келиб, телерепортаж тайёрлашди. Шу кунги туман ҳокими Жўрабек Аҳмедов бизга ва телевидение ходимларига ваъда бериб, бир ой ичида ичимлик сувини етказиб беришни ва 3,2 километр кўчаларимизга асфальт ётқизишни айтди. Мана, уч ой ўтаяпти. На сув бор, на кўчалар таъмир-



ланди. Яна бир муаммомиз бор. Маҳалла аҳолиси яримдан кўпи Ғазалкентга қатнаб ишлайди. Автобус юрмайди. Қирақашлар эса бир йўналишга беш минг сўм олади. Қишин-ёзин шу аҳвол. Баъзан одам сони йиғилмай қолса, йўл ҳақи ошади. Айниқса, кечқурун уйга қайтаётганимда. Юқоридаги муаммоларимизни беш йилдан бери ёзамиз. Ёзмаган бирор-бир ташкилот қолмади...

– Уч нафар фарзандим бор, топганимиз болаларимизнинг дори-дармони учун кетаяпти, дейди 193-уйда яшовчи Наргиза Қурбонбоева. – Яна январь-февраль ойда газ ўчиб туради. Чунки биз “Камчатка”да турармиз. Ахлатларни ҳам ойда бир марта олиб кетишади. Ваҳоланки, “Тоза ҳудуд” ташкилоти билан шартномаларимиз бор. Маҳалла идорасига чиқсак, на раис бор, на унинг ёрдамчилари. Кундузи ҳамма ишда, кечқурун чиқсак, идорада электр йўқ эмиш. Қайга боришни ҳам билмаймиз.

– Бу ер нечанчи сектор ва қайси раҳбарга қарайди? – деб сўрадим.

Ҳамма бир овоздан “Ҳокимнинг сектори”, дейди у.

Тушдан кейин “М.Боймирзаев” номли маҳалла раиси Фарход Охунжонов ҳам кириб келди.

– Маҳалламиз 2018 йилда ташкил топган. Лекин хануз маҳалла идораси йўқ, “Меҳнат текстиль” МЧЖга тегишли бинода ижарада турибмиз. Электрдан қардорлигимиз сабаб токни ўчириб қўйишди, – дейди у.

Буларни эшитиб, хайрон қолдим. Электр энергияси бўлмаса, маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Нурзода Алмедова, профилактика инспекторлари, маҳалла раиси компьютерсиз қандай ишлаяпти, деган савол туғилди. Бўстонлик тумани мактабгача таълим бўлими тасарруфидagi 24-сонли “Бахтли Имонахон” таълим муассасасига йўл олдик. Боғчага кирар эканмиз, кетма-кет ўрта ёшли боғча мудури

кириб келди. Ҳужжатларимизни қўлга олиб, қайта кўриб, танишиб, ўзини эса таништиради.

– Боғча 180 ўринли бўлиб, бугун 105 нафар болалар тарбияланмоқда. Бу йил 12 апрелда очилди, – деди у.

Худудни айланар эканмиз, ҳаммаёқдан буюк ҳиди келиб турарди. Сув йўқлигини кўп дарахтлар қурий бошлади, болалар уйнайдиган жойлар чанги-ифлос эди. Мана, янги очилган боғчанинг аҳволи. Боғча мудирининг асабини бузмаслик учун бошқа хоналарга кирмадик. Савол туғилади: қурилиши тугамаган боғчани ким очиб берди? Болалар шифокор кўригидан ўтганими? Боғчада гижжага қарши қандай профилактика ишлари олиб борилган?

56-уйда яшовчи Буюйша Алимбаева хонадонига кирдик. Водопровод жумрагидан сув оқиб турган экан. Лекин уни ҳам идишларга солиб, тиндириб ичишаётганини айтишди.

Бўстонлик тумани 12-ойлави

поликлиникаси катта ҳамшираси Гулоийим Ирманова билан суҳбатлашдик. У ҳам тўлиб турган эканми, биздан олдин гап бошлади:

– 6 та МФЙга, 3 та узоқ масофадаги ҳудудларга, жами 15 минг 775 нафар аҳолига бир шифокор, 29 нафар ҳамшира тиббий хизмат кўрсатамиз. Меъёр бўйича 7 нафар умумий амалиёт шифокори бўлиши керак. Тиббий хизмат сифат самардорлигини ошириш учун икки минг аҳолига бир шифокор ва тўрт ҳамшира бириктирилиши керак. Бизда эса аҳвол бу. “М.Боймирзаев” номли маҳалладаги болаларда гижжа бор. Бу йил соғлиқни сақлаш ташкилотларидан гижжага қарши берилмаган дори ҳам берилмади...

Мана, сизга “М.Боймирзаев” номли МФЙдаги аҳвол. Ҳоким секторида аҳвол шундай бўлса, бошқаларида қандай экан?!

Даврон АҲМЕДОВ,  
Муаллиф оған суратлар

Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorlik мамлакатимиз иктисодиётининг устувор йўналиши этиб белгиланган. Сўнгги беш йилда бу соҳани ривожлантиришга қаратилган 2 мингга яқин қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Уларга асосан 114 та лицензия ва рухсатнома бекор қилинди, 33 та фаолият тури хабардор қилиш тартибига ўтказилди. Рухсатномаларни расмийлаштириш тартиблари соддалаштирилиб, муддатлари ўртача 2 бараварга қисқартирилди. Ортиқча текширишлар, нақд пул, валюта ва хомашё бўйича қўллаб-қувватлаш барҳам берилди. Бундай қулайлик ва имкониятлар натижасида янги субъектлар кескин кўпайиб, аввалдан ишлаётганлари фаолиятини кенгайтирмоқда. Охириги беш йилда тadbirkorлар сони қарийб 3 баравар ошди. Кўп ишбилармонлар ўз бизнесини мамлакат миқёсида кенгайтириб, минглаб иш ўринлари яратиб, нуфузли йирик компанияларга айланди. Ички ва ташқи бозорда ўз нуфузи ва брендига эга тadbirkorлар синфи шакллана бошлади.



# ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ИМКОНИЯТЛАР ЭШИГИ ОЧИЛДИ

Ҳам тadbirkor, ҳам халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати сифатида шуни таъкидламоқчиманки, тadbirkorга ҳозиргидек қулай шароит ҳеч қачон яратилмаган. Авваллари тadbirkor, ишбилармон деб оғиз кўпиртирилди-ю, аммо улар йўлидаги бюрократик тўсиқларни санаб адоғига этиб бўлмасди. Катта даромад толган ишбилармоннинг боши текширувдан чиқмасди. Энди давлатимиз раҳбари тadbirkorларни кўмакчим, деб атамоқда, уларга бизнесини кенгайтириш учун имконият ва имтиёзлар берилмоқда.

Масалан, сўнгги тўрт йилда солиқлар тури 16 тадан 9 тага қисқарди. Яқингача Пенсия, Мактаб ва Йул жамғармаларига бизнес учун оғир юк бўлган 3,2 фоизли йиғимлар тўланар эди. Ушбу йиғимлар корхоналарнинг фойдасидан қатъи назар, оборотдан олиниб, уларнинг миқдори корхоналарнинг камиди 25-30 фоиз фойдасига тенг эди. Молк-мулк, даромад солиғи ва ижтимоий солиқлар ставкалари 2 бараварга камайтирилди.

Яқин ўтмишда тadbirkorлик юртдошларимиз учун уддалаб бўлмас машаққат бўлиб туоларди. Сабаби, бож тўловлари қимматлиги, ер, хомашё олиш, корхона очилдаги қатор тўсиқлар, лицензиялар, рухсатномалар, бир амаллаб бизнесни йўлга қўйиб олганда ҳам, текширувчилар, назоратчилар тadbirkorларнинг ҳафсаласини пир қиларди. Ниҳоят, тadbirkorлар, бизнес бошлашга иштиёқмандлар учун яхши, адолатли замон келди. Кейинги олти йил мобайнида олиб борилган тўб ислохотлар тўғрисида мамлакатимизда ишбилармонлик муҳити ой сайин, кун сайин яхшиланиб борди. Тadbirkor йўлига тўсиқ бўлиш давлат сиёсатида хиёнат, деб қабул қилинди. Ассосиз текширувларга чек қўйилди, экспортёрлар рағбатлантирилди, ишбилармонлик ташаббуслари тўлиқ қўллаб-қувватланди. 2020-2021 йилларда тadbirkorлик субъектларига 2016 йилга нисбатан 4-5 баробар кўп маблағ ажратилгани ҳам соҳага давлат раҳбари даража-

сида жуда жиддий эътибор қаратилганини кўрсатади.

Президентимизнинг ўтган йили тadbirkorлар билан учрашувида *“Биз доимо изланиб, янгиликка интилиб яшайдиган тadbirkorларимизни ўз ишига фидоий ва жонкуяр, ватанпарвар инсонлар деб биламиз ва уларни қадраймиз. Айниқса, мураккаб пандемия давридаги сино ва қийинчиликлар пайтида ҳам халқимизга мададкор бўлиб, ўз бизнесини нафақат сақлаб қолган, балки янги иш ўринларини яратиб, муҳтожларга кўмак бераётган ҳамда ишлаб чиқариш ва экспортни оширган тadbirkor дўстларимизга бугун чин қалбимдан раҳматлар айтаман”*, дея бизни ўзига яқин олгани барчамизга манунлик бағишлади.

Президентимиз таъкидлаганидек, энди тadbirkorларга кредитларни миллий валюта — сўмда ва бизнес вакиллари учун мақбул фойзда бериш тизими йўлга қўйилди. Шунингдек, хорижий валютада олинган олдинги кредитлар тadbirkor ва тижорат банклари ўртасидаги келишувга асосан, миллий валютага ўтказилиши бўлиб, тadbirkorлар учун катта имконият. Бундан ташқари, эндиликда кредитни расмийлаштиришдан тортиб маҳсулотни олиш-сотишгача бўлган барча жараёнлар электрон тарзда онлайн ҳал этилиши ишбилармонларни оворая сарсон бўлиб, беҳуда вақт йўқотишларига чек қўяди. Яна бир қувонтирадиган жиҳат шу бўлдики, корхоналарнинг ҳозир эгалик қилиш, фойдаланиш ва ижара ҳуқуқи асосида эгаллаб турган ер майдонлари мулк қилиб расмийлаштириб берилмоқда. Уй-лайманки, тadbirkorлар учун берилган имтиёзлар ишимиз янада яхшиланishiга хизмат қилади.

Хуллас, Ўзбекистонда хусусий секторни қўллаб-қувватлаш, тadbirkorларга янада кенг йўл очиб беришнинг янги, мисли кўрилмаган босқичи бошланган. Солиқ тизимини такомиллаштириш, бизнесга солиқ юкини имкон қадар камайтириш масалаларига ҳам эътибор қаратилаяпти. Бир-

гина пандемия даврида мамлакатимизда тadbirkorларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қўшилган қиймат солиғи 20 фоиздан 15 фоизга туширилиб, кўпроқ зарар кўрган тармоқларга ижтимоий солиқ 12 фоиздан 1 фоизгача пасайтирилди. Мол-мулк ва ер солиқлари тўловларидан буткул воз кечилди. Республикаимизда миллий сертификат олиш талаби мавжудлиги тўғрисида тadbirkorлар вақтдан ҳам, маблағдан ҳам ютқазиб келаётган эди. Президентимиз хорижда сертификат берилган асбоб-ускуна ва хомашёларга миллий сертификат олиш амалиётини бекор қилиш бўйича топширик берди. Ишбилармон электрсиз бир кун ҳам ишлолмайди. Давлатимиз раҳбари ташаббус билан тўлиқ хусусий инвестициялар ҳисобига умумий қуввати 1 минг 800 мегаватт бўлган 8 та иссиқлик ва қуёш электр станциялари ишга туширилди. Бу кўп йиллардан буён тadbirkorларни ўйлантириб келаётган масалалар ижобий ҳал этилмоқда, деганидир.

Президентимизнинг ўтган йили тadbirkorлар билан учрашувида бундай мулоқотларни анъанага айлантириб, ҳар йили ташкил этиш, 20 августни мамлакатимизда “Тadbirkorлар кuni” деб эълон қилиш таклифи илгари сурилди ва бу таклиф яқдлик билан қўллаб-қувватланди. Шу жиҳатдан учрашувда илгари сурилган барча ташаббуслар соҳа ривожига, тadbirkorга ишонч ва шижоат бағишлагани, мамлакатимизнинг бизнес муҳити жозибдорлигини оширишга, энг муҳими, аҳолини иш билан таъминлашга хизмат қилмоқда, деб барралла айта оламиз. Давлатимиз раҳбарининг тadbirkorлар билан очиқ мулоқотга киришганлиги, энг аввало, бизнес вакилларида, балки шу соҳага қўл уриш истагида бўлган фуқароларимизда ўзига бўлган ишонччи янада мустаҳкамлади.

Сўхроб САИФНАЗАРОВ, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, тadbirkor

# ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМНИНГ АМАЛИЙ НАТИЖАЛАРИ

Давлатимиз томонидан халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида олиб борилаётган кенг қўламдаги ислохотлар, хусусан, Юртбошимизнинг тadbirkorларга қўрсатаётган катта эътибори ва ғамхўрликлари табиийки ўз самарасини бермоқда.

Иқтисодиётимизнинг локомативи ҳисобланган тadbirkorлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, амалдаги қонун нормаларида белгилаб қўйилган имтиёзлар ва преференциялар самараси шуни кўрсатмоқдаки, энг аввало, уларга келажакка ишонч билан эмин-эркин фаолият олиб бориш имконияти яратиб берилди.

Солиқ тизимидаги ҳисоботларнинг соддалаштирилиши, баъзи бир ортиқча маълумотлардан воз кечилганлиги натижасида экспорт-импорт операцияларида расмийлаштириладиган ҳужжатларнинг ихчамлаштирилганлиги тadbirkorнинг қимматли вақтини тежашга, кўпроқ ўз иши билан машғул бўлишга, ўз устида ишлашга кенг имконият яратилди.

Бугунги кунда бутун республикаимизда бўлгани каби бизнинг Андижон вилояти прокуратураси ходимлари томонидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Статистика маълумотларига мурожаат қилган бўлсак, айни даврида вилоятимизда 40 922 та тadbirkorлик субъекти мавжуд бўлиб, улардан 13 810 та савдо соҳасида, 10 244 таси саноатда, 4078 таси қишлоқ ҳўжалиги тизимида, 1046 таси тиббиёт соҳасида ва 499 таси қурилиш соҳасида, қолган тармоқларда эса 11 245 та тadbirkor фаолият олиб бормоқда.

“Беш қўл баробар эмас” ёки “Шоли курмакисиз бўлмайди” деганларидек, энг ачинарлиси, тadbirkorнинг ишига тўсиқлик қилиш ҳоллари ҳануз давом этиб келмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ходимларимиз томонидан ўтказилган 42 та текшириш тadbirkorлиги натижасида 2174 ҳолатда назорат қилувчи органлар томонидан ҳўқуқбузарликлар содир этилганлиги аниқланди.

Улар орасида энг кўп учрайдиган салбий ҳолат, яъни тadbirkor фаолиятини ноқонуний текшириш 369 та ҳолатда, 1680 та ҳолатда эса тadbirkorлик субъектининг бандаги ҳисоб варақлари бўйича операцияларини қонунга ҳилоф равишда тўхтатиб қўйиш,

14 ҳолатда ноқонуний тарзда жавобгарликка тортиш ҳоллари аниқланган.

Айрим мутасаддилар томонидан содир этилган лоқайдлик оқибаотида эса 11 ҳолатда тadbirkorга берилиши лозим бўлган имтиёз ва преференциялар қўлланилмаган.

Албатта, вилоят прокуратураси органлари томонидан юқорида аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари бўйича айбдор шахслар маъмурий ва бошқа тарздаги жавобгарликка тортилиши таъминланди.

Шу билан бир қаторда, вилоятимизда тadbirkorлик субъектлари томонидан фаолиятни тўхтатиш сабабларини аниқлаш мақсадида прокуратура, маҳаллий ҳокимлик, солиқ, статистика органлари, тижорат банклари, давлат хизматлари марказлари ва бошқа мутасадди ташкилот вакилларидан иборат ишчи гуруҳларимиз фаолият олиб бормоқда.

Улар иштирокида 3369 та тadbirkorлик субъекти фаолияти ўрганилганда, 1086 нафаридан айланма маблағнинг йўқлиги, 178 тасида ер майдонлари мавжуд эмаслиги, 503 тасида қўрсатилмаган хизмат ва маҳсулотларга бўлган талабнинг камлиги сабаб бўлганлиги аниқланди.

Ишчи гуруҳларининг саъй-ҳаракатлари тўғрисида 285 та тadbirkorлик субъектларининг фаолияти қайта тикланиб, қўшимча 325 та иш ўринлари яратилди. Бевоқиф прокуратура органларининг ташаббуси билан 791 нафар тadbirkorга амалий ёрдам кўрсатилиб, 119 нафарига 6,4 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилди, 242 таси коммуникация тармоқларига уланди. Бу соҳада муайян ишлар амалга оширилган бўлишига қарамай, тизимимиз олдида турган ҳали бир талай ишлар борлиги барчамизга аён.

Ҳўмоюнжон МАМАДИЕВ, Андижон вилоят прокуратурининг катта ёрдамчиси, I даражали юрист



## Кутлаймиз

### Партиядошимиз тақдирланди

Фаргона шаҳридаги “Афросиёб” тантаналар саройида мустақиллигимизнинг 31 йиллиги муносабати билан “Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз” шиори остида нурунийларни эъзозлаш тadbiri бўлиб ўтди.



Тақдирда вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазири ўринбосари, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуруний” жамғармаси бошқаруви раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Содиқжон Турдиев иштирок этди.

Президентимиз қарори билан таъсис этилган “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони фахрийларга юсак ҳўрмат ва эҳтиром намунаси. Нурунийларнинг меҳнати ва кўп йиллик тажрибаси эртаимиз эгаларининг юсак маънавиятли ва руҳан соғлом авлод бўлиб камолга етишида муҳим ўрин тутди. Ҳар бир хонадон фойзи ва таровати ҳам шубҳасиз нурунийларимиздир.

Тadbirkor давомида мамлакатимизнинг иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ҳамда бошқа соҳаларида кўп йиллар давомида ҳалол ва самарали меҳнат қилган, шунингдек, ҳаётини оилалар мустаҳкамлигини сақлаш, фарзандларимизни жамият олдида масъуляти, миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга, катталарга ва ёш авлод вакилларига ҳўрмат, она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғўяларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига

Фаргона вилоят кенгаши матбуот хизмати

# “DINAR GROUP” МЧЖ


## ЖАМОАСИ

Юртдошларимизни мамлакатимизда кенг нишонланаётган  
20 АВГУСТ — ТАДБИРКОРЛАР КУНИ  
МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚУТЛАЙДИ.

Юртимизда тadbirkorлик тараққиёт омили сифатида барқарор воядон топаверсин! Хонадонларимизда ҳамisha тўқунлик бўлсин!

Реклама ўрнида

Хизматлар лицензияланган.



# АСРЛАРГА ТАТИГУЛИК БУНЁДКОРЛИК

Дунёдаги барча касблар ичида тўртта улуг касб бор. Бунинг биринчиси устозлик, иккинчиси йўлсозлик, учинчиси қурувчилик, тўртинчиси ёзувчилик касбидир. Устоз доимо шогирд тайёрлаб бораверади ва улар орасидан йиллар давомида илм-маърифат соҳиблари етишиб чиқаради. Йўлсоз қурган йўллар асрлар давомида барчага бирдай хизмат қилаверади. Қурувчи қурган уйлар авлодларга бошпана бўлади, ижодкор ёзиб қолдирган асарлар муҳим тарихдан сўйлаб туради.

Ҳар гал водийдан пойтахтга, ундан воҳа томонларга сафар қилганимда кун сайин ўз қиёфасини ўзгартириб бораётган равон йўллар ва унинг икки томонидаги яшил боғлар кўзимни қувнатса, ранг-баранг, замонавий-миллий қўриқлардаги бинолар, саннат корхоналари, хизмат кўрсатиш ва дам олиш масканлари хайратини оширади.

Енгил машинада Қурама тоғ бағри сари равон йўлдан Қамчиқ довоғига ўрлаб борганим сари ҳис-ҳаяжонга берилмади. Довон йўлдан биринчи бор ўтаётганим йўқ. Ўтган асрнинг 70-йилларидан бери Намангандан Тошкентга, ундан наридаги вилоятларга, қўшни давлатларга мана шу йўл орқали бориб келганим. Ўша пайтлар доводан охиригача ўтиш жуда мушкул эди. Йўл тор ва хавфли бўлгани учун жонини ҳовучлаб бориб келардим. Айниқса, тик қоялар ёнидан ўтиш қўрқинчли эди, ёгин-сочинли, қишли-қировли пайтларда ўпирилишлар кўп бўларди. Мураккаб бўрилишларда жарликка қўлаган, тўқнашиб кетган уловлар кўзга ташланган пайтларда вужудим жимирлаб кетарди. Қҳаратон қишда ҳам, жазирама ёзда ҳам туну кун йўлсозлар ақсарият кўл кучи билан меҳнат қилаётганига гувоҳ бўлардим. Ич-ичимдан бу заҳматқаш инсонларнинг иродасига таҳсинлар айтиб, миннатдорлик билдириб ўтардим. Уларнинг толган номи она сўтидай ҳалол эканига имоним қўшилди.

Бугун ҳаммаси ўзгача; замонавий техникалар ёрдамида ҳар қандай муаммо тезда бартараф этилади. Фавқулодда ҳолатларда қўшимча кўчлар ёрдамида келади. Кенг, равон йўлларда турли хил белгилар қўйилган, кузатув ҳижозлари ўрнатилган, булар қондага амал қилган, ўзини, оиласини ўйлаган ҳар қандай улов эгасининг манзилга есон-омон етиб боришини кафолатлайди.

Довондан ўтиб бораётган чоғимда бу йўл қачон, ким ва қандай олижаноб инсонлар томонидан очилган, ким кашф қилган бу йўлни, деган ҳаёлга бораман. Чунки қачонлардир Буюк Ипак йўли вазифасини ўтаган бу йўлнинг тарихи ҳамма қатори мени ҳам қизиқтиради. Тарихий манбаларда ёзилишича, тоғ йўли XV асрдан буён одамларга хизмат қилиб келмоқда экан. Лекин тарихи минг йилларга бориб тақалладиган давлатлараро савдо-сотик алоқаларининг тикланиши, маданий-маърифий хамкорликларнинг йўлга қўйилиши, халқларнинг бир манзилдан бошқасига кўчиб ўтиш жараёнлари ўз-ўзидан бўлган эмас. Ҳаммасига, шубҳасиз, йўл сабаб бўлган.

Бу масалага ойдинлик киритиш учун интернет тармоғига мурожаат қилдим. Россиялик Игорь Камчук ўзининг наънай миллатига мансублигини айтиб, «камчук» сўзи мўғулчада қамчи маъносини аглаштириши ёзган экан. Бундан қичди, Қамчиқ довоғининг аввалги номи Қамчи бўлган бўлиши эҳтимолдан холи эмас, деган қарорга келдим.

Бир гал Охангаронда тақдир тақозоси билан Иззатилла Абдуллаев деган олижаноб инсон билан танишиб қолдим. Гапдан гап қичиб, оддий, камтар ва куюнчақ бу инсон Қамчиқ довоғи ҳақида бир талай воқеаларни сўзлаб берди. Ҳикоя қилишича, 1954-62 йилларда тоғ йўлини қурган машҳур йўлсоз Убайдулла Абдуллаев унинг отаси экан. У елиб-югуриб, довоғи қурилиши ва унда иштирок этган отаси тўғрисида иккита тарихий китоб яратилишига бош-қош бўлибди.

Иззатилла акадан Неъмат Душаев томонидан нашрга тайёрланган «Улар довоғи йўлини қурган эдилар» номли очерклар тўпламини ва таниқли шоир Барот Исроилнинг «Довон ошган довораклар» китобини олиб ўқиб чикдим. Сўнг Иззатилла ака ҳамроҳлигида ҳозирда ҳаёт бўлган йўлсозлар билан суҳбатлашишга муваффақ бўлдим.



Мухтор бобо Нураллиев ва Иззатилла Абдуллаев

Суҳбат асносида Иззатилла ака довоғи билан боғлиқ қизиқарли ҳикояни сўзлаб берди. У кишининг айтишича, Қўқон хони Худоевнинг оғли Еркиноймий Пискентнинг Келовчи қишлоғида Бурхон исмли бойвуча аёл билан дугона бўлган экан. Катта мулк эгаси бўлган Бурхонга маҳаллий бойлар тажовуз ўтказиб, унинг ерларини ўзиники қилиб олмоқчи бўлишди. Ой-кун яқинлашиб қолган бўлишига қарамай бу ҳақда арз-хўл қилиш учун Бурхон довоғи орқали отда Қўқонга – Худоевнинг ҳузурига йўл олади. Довонга етай деганда хомилдор аёлни дард туттади. У манзилга тезроқ етиш учун отни қамчилай бошлади. Бироқ довоғи чўққисига етган пайтда Бурхоннинг қизи туғилади. Қўқонга етиб, саройга кирганда бойвуча бўлган воқеани дугонасига сўзлаб беради. Бундан хабар топган Худоевнинг Бурхонга: «Қўқонга қандай исм қўйдингиз?» деб сўрайди табассум билан. «Исмини сиз қўлиб берсангиз шояд хурсанд бўлардик, хон қазратлар!» дейди Бурхон. «Ундоқ эканса, отни қамчилаб, шу қизни толган бундаси, унинг исми Қамчиғул бўлсин!» дейди хон топқирлик билан. Сўнгра Бурхоннинг мулк масаласидаги арзини тинглаб, барча ерларини унга муҳрлатиб беради. Ана шу воқеадан кейин довоғи Қамчиқ номи оланган бўлиши мумкин, деган тахминга боргандим. Лекин ҳамқишлоғим, уста Сафарали Шодмонов бошқача фикр билдириб қолди:

– Эшитишимча, – деди у, – чор Россияси даврида Камчук деган поляк геолог довоғи йўлида экспедиция ишларини олиб борган. Камчук кейинчалик Қамчиққа айланиб кетган бўлиши мумкин. Янглишмасам, бир пайтлари довоғиди силлик қоятошда унинг номи ҳам кўзга ташланиб турарди.

Ким билсин, балки бу фикрда ҳам жон бордир. Шўролар замонида аввал Наманган вилоятини бошқарган, сўнгра республика раҳбари бўлган Нуриддин Муҳиддинов довоғини отда босиб ўтган, унда Қамчиқ довоғи орқали водий билан воҳани боғлайдиган Тошкент – Наманган – Қўқон – Ўш ёлғизоёқ, от-уловга мослашган сўқмоқ йўлини автоулов учун мослаштириш режаси пайдо бўлади. Тез орада муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган йўл қурилишини бошлашга рухсат сўраб, Сталинга мактуб ёзилади. Москва рухсат бергач, аср қурилиши бошланади...

1954-55 йилларда Нурафшон (Тўйтепа) – Тошкент денгизи, Нурафшон (Тўйтепа) – Охангарон, Пскент – Олмалиқ ва Охангарон – Ангрен йўлларини кенгайти-

риш ва асфальт ётқишиш ишларида ўрناق кўрсатган Убайдулла Абдуллаев Қамчиқ довоғи йўлини кенгайтириш ва автоуловга мослаштириш ишларида жалб этилади.

Кейинчалик республика раҳбари бўлган Шароф Рашидов ҳам мазкур йўл қурилишига катта эътибор қаратди. 1962 йили Қамчиқ довоғидан ўтган автоулов йўлининг қурилиш ишлари якунланади. Бунда Убайдулла Абдуллаев бошлиқ йўлсозлар жамоаси алоҳида жонбозлик кўрсатгани тилга олинади. Убайдулла Абдуллаев Шароф Рашидов билан ёнма-ён туриб рамзий лентани қирқадилар. Бир қатор йўлсозлар меҳнатида яраша муносиб рағбатлантирилади.

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг довоғи масаласи Биринчи Президент Исро Каримов диққат марказида бўлади. 1997-2000 йилларда Қурама тоғининг денгиз сатҳидан 2268 метр баландлиқдаги Қамчиқ ва Резак довоғида узунлиги 2484 метрлик икки туннель қурилиши режалаштирилган. Бу иш ҳам муваффақиятли якун топди. Тоғ бағридан туннель очиш ишлари якунига етганда Исро Каримов Қамчиқ довоғидаги тарихий йўлнинг аҳамияти ҳақида тўхталиб: «Водийга транспорт қатновини яхшилаш билан бирга Андижон, Ўш орқали Хитойнинг Шинжон вилоятига, ундан Қашқар орқали Тинч океанига, Яқин Шарқ ва Жанубий Европада мамлакатларига, Ҳинд океани ва Араб мамлакатларига, гарбдан Туркменистон, Кавказ, Эрон ва Туркия орқали Уртаер денгизига чиқиш имконини беради...» деганди. Айни пайтда ана шу режалар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.


Улуғвор гоғларнинг амалга ошишига муносиб ҳисса қўшган қаҳрамон йўлсозлардан бири, шубҳасиз, Убайдулла Абдуллаев бўлади. 1922 йилда Охангарон туманидаги Ҳожибой қишлоғида туғилган, Иккинчи жаҳон урушидан ногирон бўлиб қайтган Убайдулла Абдуллаев 1954 йилда йўлсозлар сафига ишга қабул қилинган. Дастлаб йўл устаси, сўнгра бўлим бошлиғи бўлиб фаолият юритган бу инсон Тошкентни Фарғона водийси билан боғлайдиган довоғи қурилишида фидойлик кўрсатган инсонлардан бири бўлган.



Пирмат бобо Бойматов

– Мен доворак, бир сўзла, қўл остида-гиларга меҳрибон, ўз ишининг устаси бўлган Убайдулла ака билан узоқ йиллар бирга ишлаганман, – дейди тўқсон ёшни қаршилаган Пирмат бобо Бойматов. – Довон очиш осон кечмаган. Интизом қатъий, бир сўз билан айтаёнда, ҳарбийча бўлган. Техника камлиги учун метиндек қаттиқ қояларни кулатиш, улкан тошларни майдалаш ишлари асосан қўл кучи ёрдамида амалга оширилган. Ишчи жадаллаштириш учун юзлаб аёллар, болалар йўлни сочилиб ётган тошлардан тозалашда иштирок этган. Қиш кунлари довоғида ишлаш ниҳоятда оғир ва хавфли эди. Ўзимнинг бошимдан ўтган бир ҳодисани айтиб бераман. Бир кун ишлаб турган еримда кўчки бўлди. Қочингча улгурмай қолдим. Ҳамкасбарим уч кеча-кундуз қор уюмини курак ёрдамида очишиб, мени то-

пишган, сўнера ишчилар жонасига олиб келиб ҳаётга қайтаришга уринишган. Худода шукр, умрим тугамаган экан. Кимдир икки кўкрагим орасига мушт туширибди, яна куракларим орасига мушт тушди. Лиқ этиб муздай нарсани ютиб қорбордим. Томоғимда қор музлаб қолган бўлса керак. Шундан кейин жонлана бошладим. Ўзимга келиб, қувватга кириб, яна ишни давом эттирдим...



Убайдулла Абдуллаев

Ҳа, тоғлар бағрида, тошлар халал бериб, иссиқ-совуқ, қор-ёғир ташвиш тугдир турадиган маконда узоқ масофали йўлни қуриш Убайдулла ака сингари йўлсозларга осон кечмаган. У Ангрен – Қўқон йўли қурилишига асос солган. Довон йўлининг 26 километридаги оралиқ масофага Убайдулла Абдуллаев номи берилган. Шу ўринда бир тақлиф билдирмоқчиман. Қачонлардир водийлик ва тошкентлик йўлсозлар матонати рамзи сифатида довоғида бир жуфт шер ҳайкали ўрнатилган эди. Уни Убайдулла Абдуллаев ўтган асрнинг 60-йилларида қайсидайдир ҳайкалтарошга буюртма бериб, махсус тайёрлатган экан. Вақтлар ўтиб, йўлни кенгайтириш сабабидан ҳолиблик рамзи олиб қўйилган. Лекин уни қайта тиклаш шу пайтгача ҳеч кимнинг ҳаёлига келганича йўқ. Бу рамзий ҳайкал жойига тикланса, довоғи йўлини қуришда жонини фидо қилган шерюрак йўлсозлар хотирасига эҳтиром кўрсатган бўлардик.

Ҳаёт эса давом этаверади. Убайдулла акадан муносиб фарзандлар – икки ўғил, икки қиз: Ҳабибулло, Иззатилла, Муҳаббат ва Марҳабоблар қолди. Улардан қатор-қатор зурёдлар дунёга келди. Фарзандлари ичида Иззатилла аканинг ўз ўрни бор. Отасининг руҳини шод этиб, меҳнатини улғушладек вазифа унинг чекига тушган. Қалби пок, ғайрати жўшиб турган, тиниб-тинчимас, ҳиммати баланд бу инсон отасининг хотирасини абадийлаштириш, йўлсозлар меҳнатини қадрлаш йўлида изланиб, югуриб-елиб юрибди.

Вақт тўхтаб турмайди. Бу йил фидойий инсон Убайдулла Абдуллаевнинг таваллудига 100 йил тўлса, айни пайтда довоғи йўлининг фойдаланишига топширилганига 60 йил тўлади. Бу муҳим икки сана муносиб тарзда нишонланса мақсадга мувофиқ бўларди. Бу билан асрларга татигулик ишда фидойийлик кўрсатган Муслмонқул ва Мўйдин Нуралиев, Мухтор Нуралиев, Фафур Абдуқўҳоров, Йўлдош Замонов, Мамажон Нуралиев, Мирза Қайюмов, Аҳмад Жўраев, Абдуғофир Қўҳоров, Аҳмад Ҳасанов, Сотим Бўрибоев, Абдулла Холбоев, ака-ука – Аҳмадали, Ҳамроқул ва Ҳамдам Жўраевлар, Исро Убайдуллаев, Аҳмад Қўрбонов, Акбарали Исаев ҳамда четсувлик Карим Иброҳимов каби йўлсозлар меҳнатига муносиб баҳо берилган бўларди.

Мухиддин ОМАД,  
журналист

# ЙЎЛ ҲАММАНИКИ, МЕҲНАТИ БИЗНИКИ

Йўллар ҳар бир давлатнинг қон томирлари ҳисобланади. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, асосий эътибор муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган йўлларга қаратилди. Чунки иқтисодиётнинг ўсиши, қўшни давлатлар билан маҳсулот айирбошлаш, алоқаларини мустақамлашда йўлларнинг аҳамияти бекиёсди.



Абдулоқиб ИZZАТУЛЛАЕВ,  
«Қамчиқавтойўл» иқтисослаштирилган йўллардан  
фойдаланиш унитар корхонаси бошлиғи,  
«Дўстлик» ораени соҳиб

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев йўлларга бўлган эътиборни янада кучайтириш, транспорт қатнови учун қўлай инфратузилмани яратишни шахсан ўз назоратига олиб, бу борда муҳим вазифаларни белгилаб бермоқда. Айниқса, кейинги йилларда яратилган имкониятлар ана шу эътиборнинг натижасидир.

Автомобиль йўллари қўмитасининг «Қамчиқавтойўл» иқтисослашган йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси ишчи-хизматчилари йўл қурилиши соҳасида катта тажриба мактабини яратиб кетган устозларни изидан бормоқдалар. 1996 йилдан бошлаб махсус автойўл таъмир трестига асос солинган бўлса, йиллар давомида ташкилот номи бир неча бор ўзгарди. 2009 йилдан бошлаб «Қамчиқавтойўл» иқтисослаштирилган йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси ташкил этилган бўлса, ўтган давр ичида бир қатор тажрибали мутахассислар уни бошқаришда жонбозлик кўрсатишди. Масалан, Игор Ли, Турсунбой Буваев, Комижон Тўйчиев, Тулқинбой Қоиди, Рамазон Абдуллаев, Исоқжон Шокиров, Носиржон Жўраев ва, айниқса, соҳада узоқ йиллар раҳбарлик қилган Носиржон Аҳмедов номига хурмат билан эга олинган бўларди.

Тарих зарваракларига назар солидиган бўлсак, Қамчиқ довоғидан биринчи автомобиль ўтганига 60 йил бўлибди. Шунча йил ичида йўлсозлик касбинини танааган инсонларга осон бўлмаган. Улар техника етишмовчилиги сабабидан, асосий ишларни қўл кучи ёрдамида бажаришган. Ишаш, яшаш ва дам олишга шароит, албатта, ҳозиргидек бўлмаган. Бугун ҳаммаси бошқача: мустақил давлатнинг билимдон, ғайратли ва моҳир йўлсозлари яратилган қўлай шарт-шароитлар туфайли ҳар қандай ишчи техника кучи ёрдамида бартараф этилади. Айни пайтда корхонамиз иختиёрида бир юз йигирмадан зиёд техника воситалари мавжуд. Қўмитамиз томонидан йўлсозлар оғирини енгил қилиш мақсадида барча турдаги зарур техникалар билан таъминланганмиз. Сўнгги йилларда йўлларни қордан тозалайдиган замонавий воситалар келтирилди. Барча бўлимлар хизмат машиналарига эга.

Сир эмас, бугунги кунга келиб йўлсозларимиз масъулияти кескин ортиган. Чунки доводан ўтувчи машиналар сони йил сайин ортиб бормоқда. Йўллар равон, шароитлар етарли бўлишига қарамай, тоғ ҳавоси, табиати ҳақиқат ҳушёр туришиимизни тақозо этади. Қўтирмаган ҳолатлар содир бўлганда, йўлсозларга ички ишлар, миллий гвардия, йўл патруль хизмати ва фавқулодда вазиятлар бўлинималари ёрдамида келади.



Корхонамизда ўз касбинини шараф билан адо этиб, намуна бўлаётган кишилар оз эмас. Бўлим бошлиқлари Нўрможон Усмонов, Умиджон Қориев, Баҳодр Абитдинов, 35-йўл бўлими ишчилари Давлатали Саитов, Эргашон Комилов, 257-йўл бўлими юкагири бошқарувчиси, «Шўхрат» медали соҳибни Зокиржон Эргашев, ишчи Соҳижон Қоидилов, 550-йўл бўлими техник ҳисобчиси Акбарали Паттаев, йўл ишчилари Абдували Тулаев, Йигитгаан Йўдошев, Баҳодржон Пулатов, асфальт ётқишиш механизми машинисти, «Шўхрат» медали соҳибни Маъруфжон Мамадиев ва янги йўл Илҳомжон Ҳамидов қабилар ана шундай фидойилар қаторида турадилар.

Ҳар бир соҳада бўлгани каби бизда ҳам билими, малакали ҳодимларга эҳтиёт кетма. Шуни инобатга олиб, ёшларимиз олий таълим олишига йўналтиришимиз. Айни пайтда ўнлаб ёшлар соҳага оид билимларини мустаҳкамлаб келмоқдалар. Улардан умидимиз катта. Корхонамизда ота касбинини улуғлаган ёшларимиз ҳам кам эмас. Масалан, йўл устаслари Ҳамиджон Ашуров ва Равнақиддин Исмомов шулар жумласидан.

Бир сўз билан айтганда, йўл ҳамманики, меҳнати бизники. Ҳаётини йўл билан боғлаган инсонлар бу йўлда тонг билан тун туташганига, баҳор билан куз тароватига, ёз билан қиш синовига гувоҳ бўлишади. Ва ҳаммасига қўниқиб, янги иш кунларида бағлиланган вазифаларини бажаришга киришадилар. Мустақиллик байрами арафасида барчага, жумладан, аҳил жамоамизга ҳам яхши кайфият ва хотиржамлик тилаб қоламан.

“Адолат” СДП Бухоро вилоят кенгаши республикада хизмат кўрсатган артист, халқ депутатлари Когон шаҳар Кенгаши депутати  
Нодира МҶМИНОВА  
вафоти муносабати билан оила аъзоларига таззия билдиради.

